**“ТАСДИҚЛАНГАН”**
*(“МАЪҚУЛЛАНГАН”)*

**Кузатув кенгаши томонидан**
2023 йил “7” ноябрдаги
9-сон баённома
________ **З.Б. Турдиев**
**Кузатув кенгаши раиси**

**“Самарқанддонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг**

**2024 йил учун**

# БИЗНЕС РЕЖАСИ

| | |
|---|---|
| Давлат номидан акциядор (иштирокчи, таъсисчи) функциясини бажарувчи ташкилот номи | “Ўздонмаҳсулотлари” АК |
| Идоравий мансублиги | Дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш |
| Почта манзили, е-хат манзили *(ёки электрон почта манзили)* | Самарқанд шаҳри Зиёкор 4-уй Samarqanddon@umail.uz |
| СТИР | 201328304 |
| Ижроия органи раҳбари | О.Э. Ражабов |
| Бош ҳисобчи | К.Р.Шербоев |

# М У Н Д А Р И Ж А


**I. Корхона тўғрисида умумий маълумот**

*1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);*

*1.2 Корхона тарихи, охирги йилларда эришган ютуқлари;*

*1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати;*

*1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;*

*1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;*

*1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи;*

*1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими*

**II. Корхонани ислоҳ қилиш**

*2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси;*

*2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;*

*2.3 Ислоҳ қилишнинг 2024 йил учун режаси;*

**III. Бозор ва маркетинг режаси**

*3.1 Бозор таҳлили*

*3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби*

*3.3 Рақобат*

*3.4 Маркетинг режаси*

**IV. SWOT-таҳлили**

**V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи**

*5.1. Қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш орқали энергияни тежаш ва самарадорликни ошириш бўйича Техник сиёсати*

**VI. Кўрсаткичлар**

***6.1 Ишлаб чиқариш режаси***

*6.1.1. Хомашё захираси;*

*6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари*

*6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати*

*6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси*

***6.2 Молиявий режа***

*6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар*


SDM
«SAMARQANDDONMAHSULOTLARI» AJ
«...DONMAHSULOT» AKSIYADORLIK KOMPANIYASI

*6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)*

*6.2.3 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)*

*6.2.4 Харажатлар ва таннархни оптималлаштириш.*

*6.2.5 Пул оқимлари прогнози*

*6.2.6 Молиявий барқарорлик, ликвидлилик ва тўлов қобилияти, қарздорлик (ички ва ташқи), кредитлар юки*

*6.2.7 Давлат бюджетига тўловлар прогнози*

*6.2.8 Молиявий кўрсаткичларнинг ўхшаш корхоналар билан солиштирилиши (бенчмаркинг)*

**VII. Иш хақи тўлаш тизими**

**VIII. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)**

**IX. Ташқи иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)**

**X. Маҳаллийлаштириш**

**XI. Инвестиция лойиҳалари**

**XII. Бизнес рискларни (таваккалчиликларни) бошқариш**

**XIII. Экология ва атроф муҳитга таъсири**

**XIV. Иловалар**

*14.1 Маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) ҳажми*

*14.2 Таннархни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар*

*14.3 Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режа-жадвали*

*14.4 2024 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг асосий кўрсаткичлари*

*14.5 Кутилаётган бухгатерия баланси (чораклар кесимида)*

*14.6 Кутилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (ўсиб борувчи тартибда чораклар кесимида)*

*14.7 Даромадлар ва харажатлар сметаси (бюджети)*

*14.8 Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари*

# I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

## *1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)*

**Корхона тўғрисида маълумот, корхона паспорти**

| | |
|---|---|
| Корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи | “Samarqanddonmahsulotlari” aksiyadorlik jamiyati<br>“Samarqanddonmahsulotlari” AJ |
| Ташкилий-ҳуқуқий шакли | Акциядорлик жамияти |
| Фаолият тури | Дон маҳсулотларни қайта ишлаш, ун, омухта ем, уруғлик дон ишлаб чиқариш |
| Тармоқ | Ишлаб чиқариш |
| Юридик манзили | Самарқанд вилояти, 703033,<br>Самарканд шахри,<br>Зиёкорлар кўчаси 4 уй |
| Устав капитали | 598 249,8 минг сўм |
| Чиқарилган акциялари | 332 361 дона |
| Статистик таснифлари () | Кичик корхона |
| СТИР | 201328304 |
| Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки | Х/р: 20208000900193761001<br>ТБ“Агробанк” Самарқанд вилоят бошқармаси |
| умумий ер майдони | 5,1 га |
| бино-иншоотлар майдони | 14782,74 кв.м |
| ишлаб чиқариш майдони | 14782,74 кв.м. |
| инфратузилмаси | |
| ишчилар сони | 280 нафар |
| ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури | Дон маҳсулотларини қабул қилиш ва уларни қайта ишлаш |
| асосий хомашёси | Дон ва дон маҳсулотлари |

## *1.2. Корхона тарихи, охирги йилларда эришган ютуқлари*

Корхона қурилиши 1963 йилда Куйбишев шахридаги лойихалаштириш институти томонидан ишлаб чиқилган лойиха асосида бошланган.

1966 йилда суткасига 240 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга бўлган тегирмон қурилиб ишга туширилган.

Корхона Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси Самарқанд вилояти худудий бошқармасининг 1995 йил 2 мартдаги 179-П сонли буйруғига асосан "Самарканд дон" акциядорлик жамияти деб номланди.

Жамият акциядорларнинг 1997 йил 20 февралдаги умумий йиғилиши қарори ва Давлат мулк қўмитасининг 1998 йил 14 июлдаги 416-П сонли буйруғига асосан "Самарканддонмаҳсулотлари" акциядорлик уюшмаси Бош корхонаси деб номланди.

Корхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли қарори билан "Осиё-Афросиёб" акциядорлик жамияти ва "Нурobod дон" маъсулияти чекланган жамиятлари филиал сифатида бирлаштирилиб, "Самарқанддонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти деб номланди ва устав фонди 220077,0 минг сўм килиб белгиланиб, давлат улуши 26 фоизга етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14-мартдаги ПК-29 сонли қарорига ва 2005 йил 31 майдаги ПК-90 сонли қарорларига асосан "Самарқанддонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиб, йиғилиш қарорига ва Самарканд Давлат Мулк Қўмитасининг 2005 йил 17-июндаги 31-П сонли буйруғига асосан жамиятнинг устав фонди (жамиятнинг 220077,0 минг сўмлик устав фондига давлат улушини ошириш мақсадида қўшимча чиқарилган 112284,0 минг сўмлик акцияларни кўшиш ҳисобига) 332361,0 минг сўмда белгиланиб, давлат улуши 51 фоизга етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иктисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини яънада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4053-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида жамиятнинг хар бир акциясининг номинал қиймати 2008 йил соф фойдаси ҳисобидан 265 888 800 сўмга қўшимча равишда жамият устав жамғармасини ошириш учун номинал қийматини кўтариш ҳисобига хар бир дона акция номинал қиймати 1800 сўм миқдорида белгиланди ва жамият устав жамғармаси 598 249 800 сўмга ёки 420 538,6 АҚШ долларига етказилди.

Жамиятни акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий органидир. Жамият хар йили камида бир марта акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказади.

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш цехи ҳисобланган тегирмон (суткасига 240 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга) 1966 йилда қурилиб ишга

туширилган. 1989 йилда Швейцариянинг “Бюллер” фирмасининг лицензияси асосида Россия ҳамда Украина заводларида тайерланган ускуналар билан қайта жихозланган. Тегирмон бўлимида 75 фоиз чиқимли, биринчи ва иккинчи навли ун ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва деверцификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури туғрисида”ги ПФ-4707 сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида Туркия Республикасининг “ALAPALA MAKINA GIDA SANAYI VE TICARET A.S” қорхонаси билан 2017 йил 10 августдаги 2017-33 сонли шартномасига асосан тегирмон кисмларини келтириб, 2019 йилда “Самарқанддонмахсулотлари” акциядорлик жамиятида кунлик қуввати 200 тонна буғдойни ишлашга мўлжалланган замонавий типдаги тегирмон қуриб ишга тушурилди.

1979 йилда омухта ем ишлаб чиқариш цехи қуриб ишга туширилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги ПК-1855-сонли қарорига асосан 2014 йилда Украина давлатининг ПАО “Могилёв-Подольский машиностроительный заводи” нинг ускуналари асосида модернизация қилиш натижасида кунлик 100 тонна омухта ем ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

Жамият хар йили давлат ресурсига бошоқли дон ва уруғлик харид қилиш бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ғалла, яъни товар дон ва уруғлик қабул қилиш учун контрактация шартномалар тузади. Ғалла корхонага қарашли Самарқанд, Оқдарё, Пайариқ, Пастдарғом ва Нуробод туманларидан қабул қилинади. Қабул қилинган ғалла ун, нон, омихта ем ҳамда қишлок хўжалик корхоналарига уруғлик ғалла маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун сарфланади.

Ғаллани хўжаликлардан ДҚҚМ гача ташиб келтириш учун транспорт хизматига давлат томонидан белгиланган чекланган тарифларда, ДҚҚМ дан корхонагача ташиб келиш учун мижозларга келишилган тарифларда тўланади.

Мавсум даврида қабул қилинган ғалла асосан 37,5 минг тонна донни сақлаш сиғимларига эга элеваторга сақлашга киритилади, бундан ташкари корхонада ғалла саклаш учун 10 800 тонна дон сақлашга мўлжалланган 6 та темир сиғимлар мавжуд.

Дон маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлашга, шунингдек уруғлик ғалла ишлаб чиқаришга мўлжалланган жамиятга қарашли:

- 3-сонли база худудида 8,4 минг тонна донни сақлайдиган айвонлар ҳамда 600 м$^2$ асфальт майдонларга эга. 2011 йилнинг май ойида Германия давлатининг “ПЕТКУС” ускуналарини олиб келиб ўрнатиш натижасида суткасига 160 тонна сара уруғ тайёрлаш имкониятига эга бўлди;

- Челак ДҚҚМ да қишлоқ хўжалик корхоналаридан қабул қилинган ғаллани сақлашга мўлжалланган 10000 тонналик ёпиқ сиғимлар ва асфальт майдон мавжуд. Шунингдек, Челак ДҚҚМ да жойлашган уруғ цехи 2011 йил май ойида Германия давлатининг “ПЕТКУС” ускуналарини ўрнатилилиши натижасида суткасига 160 тонна буғдой ва арпа доннини тайёр уруғ ҳолатига келтираш қувватига эга бўлди;

- Самарканд ДҚҚМ да қишлоқ ҳужалик корхоналаридан ғалла қабул қилиш учун 8000 м$^2$ асфальт майдон ҳамда кишлоқ хужалик корхоналарини уруглик ғалла билан таъминлаш учун мўлжалланган уруғлик цехи мавжуд бўлиб, уруғлик цехининг қуввати суткасига 60 тоннани ташкил этади;

- Жамиятнинг "Нуробод дон" филиали дон қабул қилиш манзилгоҳи 6000 м$^2$ асфальт майдон ва 14 минг тонна ғаллани сақлашга мулжалланган ёпиқ сиғимлар ҳамда темир йул мавжуд. Шу билан бирга филиалда суткасига 60 тонна сара уруғлик ғалла таёрлайдиган цех мавжуд;

- Нуробод туманида жойлашган нон цехи 2010 йилда Германия давлатининг "ВАХТЕЛ" ускуналари билан қайта жихозланган бўлиб, нон цехи кунлик 2760 кг, бир йилда эса 990 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Нон цехини барқарор ва фойда билан ишлашини таъминлаш мақсадида жамиятнинг 2017 йил 7 сентябрдаги 146 сонли буйруғи билан "Нуробод нон" цехи "Nurobod non BME" масьулияти чекланган жамиятга айлантирилди;

- Самарқанд шахри 3-сон база худудида жойлашган нон цехи 2015 йилда Германия давлатидан олиб келинган "ВАХТЕЛ" ускуналари ўрнатилиб, нон цехи кунлик 2760 кг, бир йилда эса 990 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини барқарор ва фойда билан ишлашини таъминлаш мақсадида жамиятнинг 2017 йил 14 июндаги 93 сонли буйруғи билан "Afrosiyob shirin non mahsulotlari" масьулияти чекланган жамиятга айлантирилди;

- Пастдарғом туманида "Juma porloq biolaboratoriya" ва Пайариқ туманида "Qoraxoni biolaboratoriya servis" МЧЖлар шартнома асосида қишлок хужалик корхоналарини биомаҳсулотлар билан таъминламоқда.

- Жамиятга қарашли Самарқанд шаҳар Сайҳун кўчасида жойлашган 3-сон база уруғлик цехи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28-январидаги ПҚ-106-сонли "Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан "Самарқанддонмаҳсулотлари" АЖ кузатув кенгаши аъзоларининг 2022 йил 14 сентябрдаги 11-сонли йиғилиш баёнига асосан "Уруғчиликни ривожлантириш маркази"га ўтказиш бўйича "Топшириш-қабул қилиш шартномалари" тузилиб, белгиланган тартибларда топширилди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15-ноябридаги ПҚ-10-сонли "Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18-мартидаги ПҚ-168-сонли "Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-102-сон қарорлари ижроси таъминлаш ҳамда ушбу қарорларнинг ижроси доирасида Давлат активларини хусусийлаштириш давлат комиссияси йиғилишининг 12-1-сон баёни қарорининг (03.05.2023 й VM-239-сон) 3-бандига мувофиқ жамият тасарруфидаги "Афросиёб ширин нон махсулотлари" МЧЖнинг устав капиталидаги "Самарқанддонмах-сулотлари" АЖнинг 96,0 фоиз улуши ҳамда "Нуробод нон БМЕ" МЧЖнинг устав капиталидаги "Самарқанддонмаҳсулотлари" АЖнинг 100,0 фоиз улуши ва

“Нуробод дон” филиали мулкий мажмуаси белгиланган тартибларда Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят худудий бошқармасига ўтказиб берилди.

Жамият худудида ғаллани ишлаб чиқариш жараёнида тайёрланган ун маҳсулотларини қадоқланган холда сақлашга мулжаланган 2 800 тонна сиғимга эга бўлган тайер маҳсулотларни сақлаш омбори мавжуд.

Шунингдек корхонага қабул қилинган дон маҳсулотларни кирим қилишда ҳамда ишлаб чиқарилган махсулотларни истеъмолчиларга сотишда асосий фаолият учун зарур бўлган бўлимлардан тахлилхона хамда темирйўл ва автомобил тарозилари хам бор.

### *1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати*

| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Қуввати | Қувватдан фойдаланиш | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2022 й. | % | 2023й. | % |
| 1. | Ун | Тонна | 54000 | 36672,7 | 67,9 | 17507,8 | 34,2 |
| 2. | Кепак | Тонна | 15000 | 11785,6 | 78,6 | 5641,9 | 37,6 |
| 3. | Омухта ем | Тонна | 36000 | 17968,5 | 49,9 | 6479,0 | 18,0 |
| 4. | Уруғлик дон | Тонна | 10000 | 9762,9 | 65,1 | 4723,9 | 31,5 |
| **Жами** | | **Тонна** | **115000** | **76189,7** | **63,5** | **34352,6** | **29,9** |

## *1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот*



## Корхона тасарруфидаги масъулияти чекланган жамиятлар рўйхати

*(минг.сўм)*

| № | Корхона номи | Улуш миқдори *(%)* | Устав капитали *(баланс қиймати)* | Фаолият йўналиши | Олинган даромад (дивиденд) | | Киритилган инвестициялар | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 2021 й. | 2022 й. | 2021 й. | 2022 й. |
| 1. | "Нуробод нон БМБ" МЧЖ | 100,0 | 150757,2 | Нон ва нон махсулотлари ишлаб чикариш | - | - | - | - |
| 2. | "Қарахони биолаборатория" МЧЖ | 100,0 | 179038,8 | Биомаҳсулотлар ишлаб чикариш | - | - | - | - |
| 3. | "Жума порлоқ биолаборатория" МЧЖ | 100,0 | 15208,1 | Биомахсулотлар ишлаб чикариш | - | - | - | - |
| **Жами** | | | | | - | - | - | - |

### *1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя*

### "Самарқанддонмаҳсулотлари" АЖ штатлар жадвали ва амалда ишловчилар сони тўғрисида маълумот

*(Нафар)*

| № | Номланиши | 2022 йил | | 2023 йил | | 2024 йил режа | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Штат бўйича | Амалда | Штат бўйича | Амалда | Штат бўйича | Амалда |
| 1 | Рахбарият | 4 | 4 | 5 | 5 | 5 | 5 |
| 2 | Ходимлар билан ишлаш бўлими | 4 | 4 | 4 | 4 | 3 | 3 |
| 3 | Иктисодиёт, молия ва нарх бўлими | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 |
| 4 | Маркетинг, савдо ва экспорт бўлими | 2 | 2 | 2 | 2 | 3 | 3 |
| 5 | АКТ бўлими | 3 | 3 | - | - | - | - |
| 6 | Қишлоқ хўжалик бўлими | 6 | 6 | 3 | 3 | 2 | 2 |
| 7 | Юридик хизмат | 2 | 2 | 2 | 2 | 1 | 1 |
| 8 | Мутахассислар | 6 | 6 | 5 | 5 | 4 | 4 |
| 9 | Бухгалтерия бўлими | 17 | 17 | 14 | 14 | 12 | 12 |
| 10 | Тегирмон цехи | 48 | 48 | 42 | 42 | 42 | 42 |
| 11 | Тайёр махсулот омбори | 27 | 27 | 27 | 27 | 27 | 27 |
| 12 | Элеватор | 23 | 23 | 23 | 23 | 23 | 23 |
| 13 | Омухта ем цехи | 23 | 23 | 23 | 23 | 19 | 19 |
| 14 | Электр кучланиш цехи | 17 | 17 | 12 | 12 | 10 | 10 |
| 15 | Таъмирлаш механика цехи | 24 | 24 | 20 | 20 | 18 | 18 |
| 16 | Қурилиш бўлими | 10 | 10 | 7 | 7 | 6 | 6 |
| 17 | Ишлаб чиқариш лабораторияси | 12 | 12 | 10 | 10 | 8 | 8 |
| 18 | Харбийлаштирилган қўриклаш бўлими | 27 | 27 | 23 | 23 | 18 | 18 |
| 19 | Маъмурий хужалик бўлими | 16 | 16 | 15 | 15 | 9 | 9 |
| 20 | Моддий бойликлар омбори | 4 | 4 | 3 | 3 | 3 | 3 |
| 21 | Автотранспорт бўлими | 15 | 15 | 12 | 12 | 11 | 11 |
| 22 | Ёрдамчи хўжалик бўлими | 5 | 5 | 4 | 4 | 3 | 3 |
| 23 | Оқдарё ДҚҚМ | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 |
| 24 | Пайарик ДҚҚМ | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 |
| 25 | Челак ДҚҚМ | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 |
| 26 | Самарканд ДҚҚМ | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 |
| 27 | 3-сон база уруғ цехи | 5 | 5 | - | - | - | - |
| 28 | "Нуробод дон" филиали | 6 | 6 | 5 | 5 | 5 | 5 |
| **ЖАМИ** | | **325** | **325** | **280** | **280** | **251** | **251** |

**Жамиятда ходимларнинг ўртача сони ва ҳисобланган маош тўғрисида маълумот**

*(Минг сўмда)*

| № | Номланиши | 2022 йил | | 2023 йил 9 ой | | 2024 йил режа | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Сони | Суммаси | Сони | Суммаси | Сони | Суммаси |
| 1 | Рахбарият | 8 | 445457 | 8 | 324735 | 8 | 476278 |
| 2 | Мутахассислар | 12 | 564495 | 12 | 411754 | 12 | 603906 |
| 3 | Техник ходимлар | 7 | 255422 | 7 | 188423 | 7 | 276354 |
| 4 | Хизмат кўрсатувчи ходимлар | 126 | 3924039 | 99 | 1677167 | 98 | 2656361 |
| 5 | Ишлаб чиқариш ходимлари | 255 | 8690452 | 209 | 4347220 | 210 | 6988832 |
| **ЖАМИ** | | **408** | **13879865** | **335** | **6949299** | **335** | **11001731** |

*Изох: Ходимларнинг ўртача сонини хисоблашда мавсумий ишчи-ходимлар ҳим инобатга олинган.*

Жамиятда 2022 йилда ўртача ойлик ишҳақи миқдори 2834940 сўмни, 2023 йил тўққиз ойи давомида 2304908 сўмни ташкил этган.

Корхонада 2024 йилда ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 2736749 сўм режалаштирилган.

2023 йил 1 октябр холатига 221 нафар ходим ишга қабул қилиниб, 118 нафар ходим ишдан озод этилган, шундан 115 нафари ўз хохиши билан, 3 нафари мехнат вазифасини қўпол равишда бузгани учун.

2023 йил 1 октябр холатига ходимлар қўнимсизлиги 0,76 ни ташкил этади.

Меҳнат ҳақи соатбай тариф сеткаси ва лавозим маоши бўйича амалга оширилади:

- тунги вақтда ва дам олиш кунларида ишлаган ишчи-хизматчиларнинг меҳнат хақига қўшимча 50 % тўлаб берилади.
- байрам кунлари ишлаган ишчи - хизматчиларнинг ишлаган кунига 2 баробар меҳнат ҳақи тўлаб берилади.

Ғалла тайёрлаш мавсўмида меҳнат қилган ишчи-хизматчиларга иш куни меъёрланмаганлиги учун қўшимча 30 % иш ҳақи тўланади.

Оғир ва зарарли ишларда ишлаган ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларига санитар-гигиена паспортида кўрсатилган фоиз бўйича қўшимча иш ҳақи тўлаб берилади.

Корхона ишчи хизматчилари 55-60 ёшга тўлганларида (нафақа ёшига етганларида) икки ойлик иш ҳақи миқдорида мукофот пули тўланади. Шунингдек, аёллар 50 ёшга ва эркаклар 55 ёшга тўлиши муносабати билан рағбатлантирилади.

Корхона ишчиларининг яқин кариндошлари (отаси, онаси, умр йўлдоши, болалари) вафот этганда корхона томонидан моддий ёрдам кўрсатилади.

Жамоа шартномасига асосан, навбатдаги таътилга чақадиган хар бир ишчи-ходимларга бир ойлик маоши миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади.

Жамиятда фаолият олиб бораётган боқувчисини йўқотган ва ёлғиз аёлларни қўллаб қувватлаш мақсадида уларга моддий томондан кўмаклашиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўрнатилган энг кам иш ҳақи базавий миқдорининг икки борабари ҳисобида ҳар ой рағбатлантирилади.

Корхона ишчи-ходимлари фарзандларини болалар дам олиш оромгоҳида дам олиш учун йўлланмалар берилади ва тартибли равишда болаларни олиб бориш ва олиб келиш учун корхона томонидан транспорт воситаси ажратилади.

Хар чорак ва йил якуни билан ишда ўрнак кўрсатган ишчи-хизматчилар маъмурият томонидан рағбатлантирилади.

Корхона ишчи-хизматчиларининг бахтсиз ходиса оқибатида (яшаш жойида ёнгин чиқса, сув тошқини, ер қимирлаш каби ходисалар) турар жойлари яроқсиз холга келганда, корхона маъмуриятининг иштирокида ўрганиб чиқилгандан кейин далолатномага асосан маъмурият томонидан ёрдам курсатилади.

Хотира куни муносабати билан корхонада ишлаб келаётган ва нафақага чиққан уруш ветеранлари, Афғонистон воқеаси қатнашчилари, ҳамда уруш пайтида фронт ортида меҳнат қилган ходимларни мукофотлайди.

Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган барча байрамларни нишонлайди ва ишда ўрнак кўрсатган ишчи ва хизматчиларини мукофотлайди.

Корхонада доимий ишда ишловчи барча ишчиларга тушлик қилиш учун маблағ ажратилади ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлайди.

Корхонада ишловчи ишчи-хизматчиларнинг соғлиқларини тиклаш мақсадида Республика худудидаги дам олиш оромгохларига йўлланмалар ажратилади.

3 декабрь «Бутун дунё ногиронлар куни» муносабати билан Самарқанд шаҳар мехрибонлик уйида тарбияланувчи болалар, корхонада ишловчи ногиронлар ва ишчи-хизматчиларининг ногирон фарзандларини маънавий қўллаб қувватлаш мақсадида моддий ёрдам кўрсатилади.

**Корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот**

| № | ФИШ | Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври | Корхонадаги улуши |
|---|---|---|---|
| | | **I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)** | |
| 1.1 | Акциядор (иштирокчи, мулкдор) | | Акциядорлар:<br>- "Ўздонмахсулот"АК– 72,33%(240414дона акция)<br>- Юридик шахслар – 8,27% (27489 дона акция)<br>- Жисмоний шахслар – 19,40% (64458 дона акция) |
| | | **II. Кузатув кенгаши аъзолари** | |
| 2.1 | Турдиев Зиёвиддин Бахтиёрович | "Ўздонмаҳсулот" АК вакили *(2023 йилдан)* | - |
| 2.2 | Жумаев Нодир Жахонович | "Ўздонмаҳсулот" АК вакили *(2017 йилдан)* | - |
| 2.3 | Примов Комилжон Каримович | "Ўздонмаҳсулот" АК вакили *(2022 йилдан)* | - |
| 2.4 | Исмаилов Акмалжон Хошимович | "Ўздонмаҳсулот" АК вакили *(2023 йилдан)* | - |
| 2.5 | Хасанов Баходир Рамзиддинович | "Ўздонмаҳсулот" АК вакили *(2017 йилдан)* | - |
| 2.6 | Камолов Қахрамон Турсунхонович | "Ўздонмаҳсулот" АК вакили *(2022 йилдан)* | - |
| 2.7 | Тошқўзиев Темурбек Маъруфжон ўғли | "Ўздонмаҳсулот" АК вакили *(2023 йилдан)* | - |

| III. Ижроия органи | | | |
|---|---|---|---|
| 3.1 | Ражабов Ориф Эшмурзаевич | Бошқарув раиси *(2020 йилдан)* | - |
| 3.2 | Исмаилов Алишер Юлдашевич | Бошқарув раисининг Ишлаб чиқариш бўйича масалалари бўйича биринчи ўринбосари *(2016 йилдан)* | - |
| 3.3 | Нурматов Навруз Мажидович | Бошқарув раисининг Молия ва савдо бўйича масалалари бўйича ўринбосари *(2016 йилдан)* | - |
| 3.4 | Шербоев Комил Рахмонбердиевич | Бош ҳисобчи *(2016 йилдан)* | - |
| 3.5 | Усмонов Элёр Кобулович | Иқтисодиёт, молия ва нарх бўлими бошлиғи *(2021 йилдан)* | - |

### *1.6. Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи*

Корхонада ишлаб чиқарилган ун маҳсулотларини харид қилувчи асосий мижозлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқувчи корхоналар ҳамда Самарқанд вилоят аҳолиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг № 57 сонли “Товар ва хом ашё материалларни сотилиш механизмларини такомиллаштириш” ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва Адлия Вазирлигидан 07.01.2011 йилда № 2178-сон билан рўйхатдан ўтган “Маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш ва қайта қўйиш тартиби” га асосан сотиш йўлга қўйилган.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартиблар асосида 100 фоиз биржа савдолари орқали сотилади.

Жамият маркетинг хизмати доимий равишда ички бозорни мониторинг қилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори, сифати ва турларини истеъмолчилар талабига мос келишини тахлил қилиб боради.

Жамиятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар белгиланган тартиблар асосида экспорт қилиш мумкин.

### *1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими*

Корхона тахлилхонаси акредитациядан ўтказилган ва Давлат стандартизацияси корхонаси томонидан мувофиқлик сертификатлари билан рухсат

берилган. Бундан ташқари жамиятда ишлаб чиқариладиган махсулотларга (ун, омухта ем, уруғлик ғалла) сертификатлар мавжуд, яъни:

- Жамиятга қабул қилинган ғалла ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг белгиланган O'zDSt ISO 22000:2019 (ISO 22000:2018) O'zDSt ISO 50001:2019 (ISO 50001:2018) талабларга мувофиқлигини тасдиқлайдиган №0012210 сонли (01.02.2022 йилдан -31.01.2025 йилгача) сертификати;
- Ғалла мавсумида элеваторга қабул қилинган дон махсулотларга дон хавсизлиги регламенти бўйича сертификати;
- Тегирмонда ишлаб чиқарилаетган олий нав ва биринчи нав ун маҳсулотларига давлат стантартларига мослиги тўғрисида № 2325459 сертификати;
- Биринчи нав ун маҳсулотларни витаминлар билан бойитилганлиги тўғрисида вилоят Санитария эпидемиология ташкилотининг № 246852 хулосаси;
- Ишлаб чиқарилган омухта ем маҳсулотлари талаб даражасида бўлганлиги тўғрисида № 2494595 сертификати.

## II. Корхонани ислоҳ қилиш

### *2.1 Истиқболли ривожланиш, стратегия*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-майидаги ПҚ-262-сонли **"Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30-майидаги 284-сонли **"2022 йил ҳосилидан буғдойни харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорлари ижросини таъминлаш борасида, яъни қишлоқ хўжалигида, асосан ғалла харид қилишда Давлат буюртмасини тўлиқ бекор қилиш ва тўлиқ бозор механизмларига ўтиш, қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан етиштирилган дон маҳсулотларини 2022 йил 01-июлидан бошлаб, тўлиқ Республика товар хом-ашё биржаси савдолари орқали харид қилиш тартиби жорий қилганлиги сабабли, ун ва омихта ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эркин биржа савдолари орқали сотилган ҳажмлар даражасида амалга оширилади.

Жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш маҳсулотларидан-ун маҳсулотлари ўзининг салмоғи бўйича биринчи ўринда туради. Корхонадаги тегирмонининг мавжуд ишлаб чиқариш қуввати бир суткада **200** тонна буғдойни қайта ишлашга мўлжалланган. Тегирмон биринчи навли, витамин-минерал қўшимча билан бойитилган ун маҳсулоти ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Ишлаб чиқарилган ун маҳсулотлари истеъмолчиларга 50 ва 25 килограммли полипропилен қопларда қадоқланган ҳолда етказиб берилади.

Жамият тўлиқ реконструкция ва модернизация қилинган, бир суткада 100 тонна сифатли омихта ем маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех ишламокда. Омихта ем маҳсулотлари йирик шохли қорамоллар учун рецептлар бўйича ишлаб чиқарилади.

### *2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28-январидаги ПҚ-106-сонли **"Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15-ноябридаги ПҚ-10-сонли **"Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18-мартидаги ПҚ-168-сонли **"Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарорларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилганислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш, ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш, ғалланинг керакли бўлган ҳажмидан ташқари давлат харидларидан тўлиқ воз кечиш ҳисобига инвестициявий жозибадорликни ошириш, ғалла донини биржа савдоларида чекловларсиз сотишга имкон яратиш мақсадида 2021-2022 йилларда "Ўздонмаҳсулот" АК тизимидаги дон корхоналарини ғаллачилик кластери ташкил этиш таклифини билдирган тадбиркорлик субъектларига сотиш учун баҳолаш ва фаолият йўналишини ўзгартирмаслик шартида очиқ савдоларга қўйиш;

Юқорида кўрсатилган Қарорлар талабларига асосан, "Самарқанддон-махсулотлари" АЖга қарашли барча объектлар, бино ва иншоотлар, асосий воситалар, товар моддий қийматликларни Ўзбекистон Республикаси Давлат

активларини Бошқариш агентлиги томонидан баҳолаб ва оммавий биржа савдолариги чиқариш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15-ноябридаги ПҚ-10-сонли "Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18-мартидаги ПҚ-168-сонли "Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-102-сон қарорлари ижроси таъминлаш ҳамда ушбу қарорларнинг ижроси доирасида Давлат активларини хусусийлаштириш давлат комиссияси йиғилишининг 12-1-сон баёни қарорининг (03.05.2023 й VM-239-сон) 3-бандига мувофиқ жамият тасарруфидаги "Нуробод нон БМЕ" МЧЖнинг устав капиталидаги "Самарқанддонмаҳсулотлари" АЖнинг 100,0 фоиз улуши ва "Нуробод дон" филиали мулкий мажмуаси белгиланган тартибларда Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят худудий бошқармасига топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали ўтказиб берилган. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят худудий бошқармаси томонидан белгиланган тартибларда сотилганидан сўнг ўрнатилган тартибда баланс қиймати (ҚҚС билан) жамият ҳисоб рақамига ўтқазилади.

### *2.3 Ислоҳ қилишнинг 2024 йил учун режаси;*

| № | Амалга ошириладиган чора тадбирлар | Амалга ошириш муддати | Эришиладиган натижа |
|---|---|---|---|
| **I. Ишлаб чиқариш қувватларини капитал ва жорий таъмирлаш.** | | | |
| 1.1 | Корхонадаги мавжуд тегирмон, элеватор, омухта ем цехи ва ёрдамчи цехларни ишлаб чиқариш дастгоҳларини жорий таъмирлаш учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар харид қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш.<br>**Молиявий манбаи:**<br>Корхонанинг ўз маблағлари хисобидан – 400,0 млн. сўм; | 2024 йил давомида | Жамиятда ишлаб чиқарилаётган ун ва омухта ем махсулотларининг сифати яхшиланади ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси оширилишига эришилади. |
| 1.2 | Жамиятга қарашли филиал ва дон қабул қилиш манзилгоҳларида 2024 йил хосилини қабул қилиш учун моддий техника базасини тайёрлаш.<br>**Молиявий манбаи:**<br>Корхонанинг ўз маблағлари хисобидан – 600,0 млн. сўм; | 2024 йил Январ-май | Жамиятда 2024 йил Ғалла хосилини сифатли ва ўз вақтида қабул қилишга эришилади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **II. Ички захираларни мобилизация қилиш** | | | |
| 2.1 | Корхонанинг 6,0 млрд. сўмлик тайёр маҳсулотларини реализация қилиш. | 2024 йил давомида | Корхонанинг айланма маблағлари 6,0 млрд.сўмга оширилишига эришилади ҳамда маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар 14,9 млн.сўмга қисқаради. |
| 2.2 | Корхонанинг фермер хўжалик-ларидан бўлган дебиторлик қарздорлигини ғалла хосилидан ўндириш чораларини кўриш. | 2024 йил давомида | Дебитор қарздорлик ундирилиш хисобига корхонанинг муддати ўтган кредиторлик қарзлари қопланишига эришилади. |
| 2.3 | Корхонанинг мавжуд дастгоҳлари ва машина механизмларини хат-ловдан ўтказган ҳолда:<br>Давлат рақами 30 207 КАА бўлган жисмоний эскирган Ласетти русумли енгил автоманинани белгиланган тартибларда сотиш;<br>Давлат рақами 30 681 JAA бўлган техник носоз Камаз 5511 русумли юк автомашинасини хисобдан чиқариш;<br>Жамиятнинг транспорт бўлимида хозирги кунда мавжуд русуми ласетти, давлат рақами 30 155 ZAA, двигател рақами DFCX0191 бўлган енгил автомашина ишлаб чикариш жараёнида иштирок этмаётганлиги сабабли турдош корхона “Жомбой-донмаҳсулотлари” АЖга белгилан-ган тартибда сотиш. | 2024 йил I-чорак | Корхонага тегишли бугунги кунда фойдаланилмаётган яроқсиз техникаларни сотиш ва хисобдан чиқарилиши хисобига 60 млн. сўм даромад олинишига эришилади. |
| **III. Молиявий қўллаб - қувватлаш.** | | | |
| 3.1 | АТБ “Агробанк” Самарқанд вилоят филиалининг 7,0 млрд. сўм револвер кредит маблағларини жалб қилиш орқали айланма маблағлар билан таъминлаш. | 2024 йил давомида | Корхонанинг айланма маблағлари 7,0 млн. сўмга оширилади, ун ишлаб чиқариш учун буғдой харид қилиш давомийлиги таъминланади. |

## III. Бозор ва маркетинг режаси

### *3.1. Бозор таҳлили*

"Самарқанддонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти барча ишлаб-чиқарилган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси худудида ва Хукумат қарорларига асосан четга экспорт қилиши мумкин.

Жамиятда ишлаб чиқарилаётган ун маҳсулотининг асосий истеъмолчилари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқувчи корхоналар ҳамда чакана савдо ташкилотлари хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг № 57 сонли «Товар ва хом ашё материалларни сотилиш механизмларини такомиллаштириш» ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва Адлия Вазирлигидан 07.01.2011 йилда №2178-сон билан рўйхатдан ўтган «Маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш ва қайта қўйиш тартиби» га асосан сотиш йўлга қўйилган.

Жамият маркетинг, савдо ва экспорт бўлими доимий равишда ички бозорни мониторинг килиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот микдори, сифати ва турларини истеъмолчилар талабига мос келишини тахлил қилиб боради.

Жамиятнинг маркетинг, савдо ва экспорт бўлими доимий равишда ички ва ташки бозордаги махсулотларнинг сотиш бўйича махсулотлари нархлари, сифати, истеъмолчиларининг махсулот турларига бўлган талаблари ва эхтиёжлари бўйича бозор талабларини ўрганиб боради. Шунингдек, ушбу талаблар ва эхтиёжлар асосида махсулотларни ишлаб чикариш, сотиш бўйича тадбирларни ўз вакти ва муддатларида амалга оширишни ташкил қилиш учун бошқарув органига доимий маълумотларни тақдим этиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 28 майдаги ПҚ-262-сон қарорига асосан ун ва ун маҳсулотлари биржа савдолари оркали сотилиши белгилаб қўйилган.

Омухта ем маҳсулоти биржа савдолари оркали сотилади.

Жамиятда ишлаб чиқариладиган уруғлик дон Самарқанд вилоят хикимлиги тақсимоти асосида белгиланган тартибларда кишлоқ хужалиги корхоналарига сотилади.

### *3.2. Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби*

Жамиятда ишлаб чиқарилаётган ун маҳсулотининг асосий истеъмолчилари Самарқанд вилоят ҳудудида жойлашган нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқувчи корхоналар ҳамда чакана савдо ташкилотлари хисобланади.

Жамиятда ишлаб чиқарилаётган омухта ем маҳсулотининг асосий истеъмолчилари Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган чорвачилик, паррандачилик ва баликчилик хўжаликлари киради.

Жамиятда ишлаб чиқариладиган уруғлик дон махсулотлари асосий истемолчилари Самарқанд вилоят ҳудудида жойлашган кишлоқ хужалиги корхоналари хисобланади.

